

ТОВАР-МОДДИЙ ЗАХИРАЛАРНИ БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИНИНГ ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАСИ

Хайитбоев Муҳаммади Исрапилович



*иқтисодиёт фалари бўйича
фалсафа доктори(PhD)
аудит кафедрасининг
катта ўқитувчиси*

Тошкент молия институти

[E-mail:xayitboyev71@mail.ru](mailto:xayitboyev71@mail.ru),

ORCID: 0009-0001-0640-6824

Аннотация

Ишлаб чиқариш соҳасида маҳсулот таннархи таркибида товар моддий қиймат асосий харажат ҳисобланади. Уни тан олиш, маҳсулот таннархини аниқлаш ва ҳисобини юритиш муҳим саналади. Мақолада корxonанинг товар моддий захиралари, уларнинг турлари, ишлаб чиқариш харажатлари таркиби, тугалланмаган ишлаб чиқариш, товар моддий захираларни баҳолаш усуллари тадқиқ қилинган. Шунингдек молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС) асосида захиралар қийматини сотилган маҳсулотлар таннархига киритиш, корxonаларда тайёр маҳсулотлар таннархини шакллантириш ва баҳолашнинг хусусиятлари ва унинг мамлакат корxonалари учун зарурияти асосланган.

Калит сўзлар: товар моддий захиралар, ишлаб чиқариш, ишлаб чиқариш харажатлари, баҳолаш, қиймат, таннарх, тугалланмаган ишлаб чиқариш, молиявий ҳисобот.

ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ МЕТОДОВ ОЦЕНКИ ТОВАРНО- МАТЕРИАЛЬНЫХ ЗАПАСОВ

Хайитбоев Муҳаммади Исрапилович

*доктор философии (Rhd)
по экономическим наукам*

*старший преподаватель кафедры аудита
Ташкентский финансовый институт*

[E-mail:xayitboyev71@mail.ru](mailto:xayitboyev71@mail.ru),

ORCID: 0009-0001-0640-6824

Аннотация

В производственной сфере товарно-материальная стоимость является основной затратой в структуре себестоимости продукции. При этом очень важно ее признать, а также определить себестоимость продукции и вести ее учет. В статье исследованы товарно-материальные запасы предприятия, их виды, состав производственных затрат, незавершенное производство, методы оценки товарно-материальных запасов. Также на основе международных стандартов финансовой отчетности (МСФО) обоснованы включение стоимости запасов в себестоимость реализованной продукции, исследуются особенности формирования и оценки себестоимости готовой продукции, подчеркнута ее актуальность для предприятия.

Ключевые слова: запасы, производство, себестоимость продукции, оценка, стоимость, себестоимость, незавершенное производство, финансовая отчетность.

FOREIGN EXPERIENCES OF ASSESSMENT METHODS OF INVENTORIES

Khayitboyev Muhammadi Israpilovich

*Doctor of Philosophy (PhD) in Economics
Associate Professor of the Department Audit
Tashkent Institute of Finance
[E-mail: xayitboyev71@mail.ru](mailto:xayitboyev71@mail.ru),
ORCID: 0009-0001-0640-6824*

Abstract

In industrial and production activities, inventories are the main expenses in the cost structure of products, and it is important to recognize them, determine their cost and keep records. The article examines the inventories at the enterprise, their types, the composition of production costs, work in progress, methods for estimating inventories. Also, based on international financial reporting standards (IFRS), the inclusion of the cost of inventories in the cost of inventories and sales, the features of the formation and evaluation of the cost of finished products at enterprises and its necessity for founded enterprises in our country.

Keywords: inventories, production, production cost, valuation, price, cost, work in progress, financial statements.

Кириш

Чуқурлашиб бораётган глобаллашув ва интеграция жараёнлари дунё мамлакатларининг халқаро меъёрлар ва стандартларга ўтишига ҳамда уларга

амал қилишга бўлган талабларнинг кучайишига сабаб бўлмоқда. Бу бевосита “халқаро бизнес тили” сифатида умумтан олинган бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботига ҳам дахлдордир.

Жаҳонда замонавий талаблардан келиб чиққан ҳолда иқтисодиётнинг интеграциялашуви шароитида молиявий ҳисоботни унификациялаш, ривожланаётган мамлакатларда инвестицион муҳитни яхшилаш мақсадида бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларини халқаро стандартларга мувофиқлаштиришга, молиявий ҳисобот конвергенцияси ва гармонизациясининг методологик масалаларига, молиявий ҳисобот асосида захираларни баҳолаш усулларини таснифига, тан олиш, баҳолаш ҳамда ҳисоботларда акс эттириш методологиясини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилган.

Ҳозирги иқтисодий инқирозларнинг глобаллашуви шароитида ишлаб чиқариш корхоналарида товар-моддий захиралар таъминотини тўғри йўлга қўйиш, уларни ўз вақтида ҳисобга олиш, маҳсулот таннархини пасайтириш муҳим вазифалардан бири саналади. Шу боис товар-моддий захиралар ҳисобини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида юритишга оид илмий тадқиқотларни амалга оширишга устуворлик берилмоқда. Ишлаб чиқариш корхоналарида товар-моддий захираларни баҳолаш усуллари юзасидан изланишлар олиб бориш, халқаро стандартлар талаблари асосида илмий таклиф ва амалий тавсияларни шакллантириш зарурдир.

Адабиётлар шарҳи

Товар-моддий захиралар ҳисоби Ўзбекистон Республикасининг 4-сон БҲМСида ва 2-сон “Захиралар” номли молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида белгилаб қўйилган тартиб асосида юритилади. Бундан ташқари бир қатор хорижий ва маҳаллий олимлар бу борада илмий изланишлар олиб борган.

Хорижлик олимлар Н.К. Борисюк, Л.А. Солдатова, И.В. Трофимовларнинг фикрича: “Хомашё ва материаллар захиралари сотиш захираларини меъёрлашнинг ягона усулларида фойдаланиш ва товар-моддий захираларнинг мақбул ҳажмини аниқлашга имкон беради” [6].

Жумладан, Х.Рафиқова ва А.Остоноқуловларнинг фикрича: “Товар-моддий захиралар улар сотиб олинган баҳода (етказиб бериш ва бошқа қўшимча харажатларни ҳам ҳисобга олган ҳолда) ёки улар ҳар хил нархларда сотиб олинган бўлса, ўртача баҳода ҳисобдан ўчирилади” [4]. Уларнинг қарашлари миллий стандартлар асосида изоҳланган.

С.Р. Йўлдошев эса “Хўжалик юритишнинг янги тизими шароитида моддий бойликлардан фойдаланиш устидан назоратни кучайтириш, яширин иқтисодиётга қарши кураш, маҳсулот таннархида моддий харажатларнинг улушини камайтириб бориш масалаларига алоҳида эътибор берилади” деб ҳисоблайди [5].

Ушбу мавзу кўпгина олимлар томонидан ўрганилишига қарамасдан, тадқиқ қилиниши лозим бўлган жиҳатлари кўп. Маҳаллий ва хориж олимлари томонидан ўрганилаётган соҳа тўлиқ қамраб олинмаганини мавжуд манбалар таҳлилидан кўриш мумкин.

Таҳлил ва натижалар


Захиралар ва сотилган маҳсулот таннархи кўпчилик компаниялар молиявий ҳисоботларининг муҳим моддаларидан бири ҳисобланади. Захираларнинг баҳоланишидаги фарқлар ушбу компаниялар фаолиятини солиштириб ўрганишда қийинчиликлар юзага келишига сабаб бўлади. Захираларнинг баҳоланишидаги фарқлар захиралар ва сотилган маҳсулот таннархини аниқлашга салмоқли таъсир кўрсатади. Агар компаниялар захираларни баҳоланишнинг бир хил турдаги методидан фойдаланса ёки захиралар нархи вақт давомида ўзгармай турса, молиявий ҳисоботларни таҳлил қилиш анча осон бўлар эди. Агар захиралар қийматига инфляция ёки дефляция таъсир кўсатмаганида, захираларни баҳоланиш методларига эҳтиёж қолмас эди. Бироқ, захиралар қиймати вақт давомида ўзгариб боради.

Савдо ва ишлаб чиқариш компаниялари захираларнинг сотилишидан даромад ва фойда кўришади. Бундан ташқари, захиралар компаниялар балансида салмоқли активлар сифатида акс эттирилиши мумкин. Савдо (улгуржи ва чакана савдо) билан шуғулланувчилар ишлаб чиқарувчилардан фақат бир турдаги, яъни тўлиқ ишлаб чиқарилган товарларни сотиб олишади. Шунинг учун ҳам уларнинг захиралари фақат тайёр маҳсулот кўринишида бўлади. Бироқ ишлаб чиқарувчилар эса, таъминотчилардан хомашё харид қилади ва унга қиймат қўшиб, тайёр маҳсулот кўринишига келтиради.

Улар захираларни одатда учта тоифага бўлишади: хомашё, ярим тайёр маҳсулот ва тайёр маҳсулотлар (1 расм). Ярим тайёр маҳсулот захиралари – бу хомашёга ишлов бериш жараёни бошланган, лекин ҳали тайёр маҳсулот кўринишига келтирилмаган захиралардир. Ишлаб чиқарувчилар ўзларининг хомашё, ярим тайёр маҳсулот ва тайёр маҳсулотларини балансида ҳам, алоҳида ҳам умумлаштирган ҳолда захиралар сифатида акс эттирилиши мумкин. Агар захиралар умумлаштирилган ҳолда акс эттирилса, компания

Ўзининг молиявий ҳисоботининг изоҳ қисмида хомашё, ярим тайёр маҳсулот ва тайёр маҳсулотлар ҳақидаги маълумотларни ёритиб ўтиши шарт.

1-чизма.



Захираларни баҳолашнинг руҳсат этилган методлари билвосита турли хил таннарх оқими фаразларини (cost flow assumptions) ўз ичига олади. Захираларни баҳолаш методини танлаш ҳисобот даврида сотишга тайёр маҳсулотлар, захиралар ва сотилган маҳсулот таннархини аниқлаб беради.

МҲХС захиралар қийматини аниқлаш учун учта усулдан фойдаланишга руҳсат берган: алоҳида аниқлаш (specific identification), биринчи кирим – биринчи чиқим (FIFO) ва ўртача тортилган қиймат. Алоҳида аниқлаш (specific identification) методи оддий ҳолатда алмаштириб бўлмас ёки махсус лойиҳалар учун ишлатиладиган захириларни ҳисобга олишда қўлланилади. АҚШ бухгалтерия ҳисобининг умумий қабул қилинган қоидалари (US GAAP) юқоридаги учта усулни ва охириги кирим – биринчи чиқим (LIFO) номли методни ҳам қўллашга руҳсат берган. LIFO АҚШда потенциал фойда солиғидан чегирма учун box tax ва молиявий ҳисобот мақсадларида кенг қўлланилади.

Захираларнинг баҳолаш усули тайёр маҳсулотлар таннархини аниқлашга таъсир кўрсатади. Таҳлилчилар захирани баҳолашда турли методларини тушуниши, компания фаолиятининг вақт оралиғидаги кўрсаткичларини билиши ҳамда фаолият юритаётган ўхшаш компаниялар фаолияти билан молиявий кўрсаткичларни солиштира олиш салоҳиятига эга бўлиши лозим.

Захирани баҳолаш методлари (таннарх формуласи cost formula ёки таннарх оқими фарази cost flow assumption) унинг қолдиқ қийматига ва сотилган маҳсулот таннархига сезиларли таъсир кўрсата олади. Ушбу методлар молиявий ҳисоботнинг бошқа моддалари, масалан, жорий активлар, жами активлар, ялпи фойда ва соф фойда қийматига таъсир этади. Молиявий ҳисобот ва ундаги ёритиб бериш методи компания фаолиятини бошқа

компаниялар билан тўғри солиштиришга имкон яратиб, ҳисоб сиёсатининг муҳим маълумотларини очиқ беради.

Савдо ва ишлаб чиқариш компаниялари фаолиятини таҳлил қилишда захира катта аҳамиятга эга. Ушбу компаниялар ўзларининг сотув ва фойдасини захира бўйича кунлик асосида амалга оширилган операциялар орқали шакллантиради. Компаниялар фойдани аниқлашда сотилган маҳсулот таннархини шаклланишига жиддий аҳамият бериш керак бўлади.

Захиранинг жами қийматини аниқлаш жараёни уни сотиб олиш, қайта ишлаш, уларни ҳозирги ҳолатини ва жойига келтириш билан боғлиқ харажатларни ўз ичига олади. Тайёр захирани сақлаш ва уни йўқотиш билан боғлиқ харажатлар ўтган давр харажатлари билан ўзаро боғлиқ бўлиши лозим.

Захирани ҳисобга олиш тизими (узлуксиз ва даврий) унинг ўртача тортилган қиймати ёки LIFO методи орқали баҳоланганда турли миқдордаги захира ва сотишга тайёр маҳсулот таннархини шакллантиради.

Ҳисобот даври охиридаги захираларнинг бирлик миқдори йил бошидаги захираларнинг бирлик миқдоридан камайиб кетса, LIFO тугатилиши юзага келади. Агар захираларнинг бирлик харажати йилдан йилга ошиб борса, захиралар билан боғлиқ ўсиш ялпи фойдада акс этилади.

Захира ҳисоблашнинг изчиллиги ҳам МҲХС, ҳам АҚШ бухгалтерия ҳисобининг қабул қилинган умумий қоидалари (US GAAP) асосида талаб этилади. Агар компания ҳисоб сиёсатини ўзгартирса, ўзгаришлар молиявий ҳисоботларга ретроспектив тарзда тўғриланиши ва жорий қилиниши шарт. Фақатгина АҚШ бухгалтерия ҳисобининг умумий қабул қилинган қоидалари (US GAAP) асосида фаолият юритаётган компания ўз захираларини ҳисобга олиш методини LIFOга ўзгартирсагина ретроспектив даврни қўллаш мажбуриятидан озод этилади.

Захиралар МҲХС талаблари асосида энг паст қийматда ёки сотишнинг соф қийматида баҳоланади. Сотишнинг соф қиймати – бу одатдаги фаолият давомида сотиш мумкин бўлган қийматдан сотувни амалга ошириш харажатларини айирган ҳолдаги қийматдир. АҚШ бухгалтерия ҳисобининг умумий қабул қилинган қоидалари (US GAAP) асосида захиралар қўлланилаётган метод бўйича энг паст қийматда, бозор қийматида ёки сотишнинг соф қийматида баҳоланади. Бозор қиймати – бу жорий сотиш соф қийматининг энг юқори нуқтаси ва ушбу сотишнинг соф қиймати бўйича қилинадиган харажатларнинг энг паст кўрсаткичидан доимий фойда нормасини айиргандаги қийматдир. Аввалги ҳисобот даврларида ҳисобдан чиқарилган суммаларга ўзгартириш киритиш МҲХС талаблари доирасида

рухсат берилган, бироқ АҚШ бухгалтерия ҳисобининг умумий қабул қилинган қоидалари (US GAAP) талаблари доирасида бунга рухсат берилмаган.

Захираларнинг айланма коэффиценти, уларнинг кунбай айланма коэффиценти ва ялпи фойда нормаси компаниядаги захиралар менежменти бўйича фойдали маълумотлар ҳисобланади.

Захиралар компаниянинг рентабеллиги, ликвидлиги ва тўловга кодирлиги каби коэффицентларига сезиларли таъсир кўрсатади.

Молиявий ҳисоботдаги маълумот компания ҳисоб сиёсатида захираларни қийматини белгилашда қўлланиладиган методлар, захиралар ноаниқликлиги билан боғлиқ жорий қилинадиган қоидалар жорий ҳисоботдаги захиралар қиймати бўйича унсур ва харажатларни очиб беради. Ушбу маълумот таҳлилчига компаниянинг захираменежментини баҳолаш бўйича катта ёрдам кўрсатади.

Захира чакана савдо вакиллари, таъминотчи ва ишлаб чиқарувчилар фаолиятининг жорий активлари таркибида асосий ўринни эгаллайди. Захира сотилишини кутаётган товар, шунингдек ишлаб чиқарувчининг хомашёси ва ярим тайёр маҳсулотни ўз таркибига олади. Захира ўзининг таннархи бўйича балансда акс эттирилади.

Қачонки товар сотилса, у захиралар таркибидан чиқарилиб, компаниянинг молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботининг сотилган маҳсулотлар таннархи моддасига киритилади. Сотилган маҳсулотлар таннархи компаниянинг молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботида энг катта харажат тури бўлиши табиий ҳол. Сотув ҳажмидан сотилган маҳсулотлар таннархи чегирилганда ялпи фойда шаклланади.

Захираларнинг ўз таннархидан юқори қийматда сотилиши муҳим аҳамиятга эга. Сотув бўлганда компаниянинг нақд пул маблағлари захиралар таркибида банд бўлиб қолади ва компания ўзининг турли хил харажатлари, масалан, иш ҳақи, ижара, реклама ва бошқа харажатларини амалга ошира олмайди.

Компания учун ўзи сотиб олаётган маҳсулот таннархининг ошиб бориши одатий ҳолдир. Натижада компаниянинг ҳисобот йили давомидаги бир турдаги маҳсулотларни сотиб олиш харажатлари турли хил бўлади. Ушбу ҳолатда компания қайси харажатлар сотув ҳажмига ва қайси қисми омборхонадаги захираларга тегишли эканлигини аниқлаштириб олиши шарт.

АҚШда таннархни баҳолаш методлари*



*Муаллиф ишланмаси.

Таннарх оқими методлари (cost flow methods)дан ташқари компания қўшимча равишда захираларни ҳисобга олишнинг қуйидаги тизимларидан бирини ҳам танлайди:

1. Даврий тизимда захиралар ҳисоби даврий равишда, масалан, ҳисобот йилининг охириги кунида янгиланиб туради. Йил давомида сотиб олинган маҳсулотлар Бош китобнинг “Харидлар” қисмида вақтинчалик ҳисобрақамида ёзиб борилади. Йил охирида ҳисобот йили якуни бўйича таннарх ҳисобланади. Захиралар ҳисобрақами йил охирида мавжуд суммадан келиб чиқиб тартиблаштирилади. Бир вақтнинг ўзида сотилган маҳсулот таннархи ҳам ҳисоблаб борилади.

2. Узлуксиз тизимда захиралар ҳисобрақами доимий ёки узлуксиз равишда янгиланиб боради. Бошқача қилиб айтганда, захиралар ҳисобрақами қолдиғи сотиб олинган захиралар ҳисобига ошади ва сотилган маҳсулот таннархи ҳисобига камайиб боради. Яъни захиралар ҳисобрақамидаги қолдиқ сумма омборхонада мавжуд бўлган захираларнинг ҳақиқатдаги суммасини кўрсатиши зарур. Бироқ компаниялар бир йилда камида бир марта захираларнинг ҳақиқатда мавжудлигини текшириш учун инвентаризация ўтказиши ва лозим бўлса узлуксиз тизим маълумотларига ўзгартиришлар киритиши керак бўлади.

Даврий захиралар тизимига кўра:

бош китобнинг захиралар ҳисобрақамида акс эттирилган миқдорлар таъминотчилардан янги олиб келинган захиралар ёки мижозларга сотилган маҳсулотлар бўйича энг тўғри маълумотни акс эттирмайди;

захиралар ҳисобрақамига одатда ҳисобот йил якуни бўйича тегишли ўзгартириш киритилади. Йил давомидаги захиралар ҳисобрақами қолдиғи ўтган ҳисобот йили якуни бўйича қолдиқ суммани акс эттиради;

харидлар суммалари бир ёки бир неча харидлар ҳисобрақамларида акс эттирилади;

жорий ҳисобот йили якунида барча харид(лар) ҳисобрақам(лар)иёпилади ва захиралар ҳисобрақами жорий ҳисобот йили якуни бўйича ҳақиқатда мавжуд захиралар суммасига тўғриланади;

амалга оширилган харидлар бўйича сотилган маҳсулот таннархи ҳисобрақами қўлланилмайди;

бош китоб ҳисобрақамларига қараб долзарб захира қолдиғи ёки сотилган маҳсулот таннархи қолдиғини айтиб бўлмайди.

Узлуксиз захиралар тизимига кўра:

захиралар ҳисобрақами узлуксиз янгиланиб боради;

у таъминотчилардан олинган захиралар ҳисобига ортади;

захиралар мижозларга сотилганида унинг қиймати пасаяди;

ушбу тизимда харид(лар) ҳисобрақамлари қўлланилмайди;

бош китобдаги сотилган маҳсулотлар таннархи ҳисобрақами ҳар сафар маҳсулот сотуви амалга оширилганида дебетладани;

маҳсулот сотуви амалга ошганида сотув суммасига тенг сумма кирим қилинади ёки дебитор қарздорлик вужудга келади;

кейинги проводка орқали захиралар миқдори камайтирилади ва сотилган маҳсулот таннархи ошириб борилади.

Кўпинча захира бирлиги энг олдин олиб келинган бирликлар бўйича таркибдан чиқарилади. Шунинг учун маҳсулотнинг жисмоний бирликлари биринчи кирим, биринчи чиқим бўйича чиқариб олинади. Компаниялар олдин олиб келинган захирани ишлатишади ва энг янгиларини захиралар таркибида ушлаб туришади. Бу жараён ҳақиқатда мавжуд маҳсулотларни ёки товар-моддий захираларни ротация қилиш деб номланади.

Хулоса

Хулоса тарзда таъкидлаш жоизки, товар-моддий захираларни баҳолаш бўйича халқаро даражада кўплаб стандартлар мавжуд. Бирок мамлакатимизда асосан «Товар-моддий захиралар» номли 4-сон БҲМС

мавжуд бўлиб, мазкур стандартдаги айрим жиҳатларни халқаро стандартлар талаблари асосида такомиллаштириш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Бир қатор ҳолатларда ишлаб чиқариш корхоналари товар-моддий захиралар харид қилиш, ишлаб чиқариш жараёнини ташкил қилиш учун қарз маблағларини жалб қилади. Қарзлар бўйича харажатларни ҳисобга олиш «Қарзлар бўйича харажатлар» номли 23-сон БҲХСда келтирилган. Ушбу стандартга мувофиқ, корхоналар қайта таснифланадиган активларни, яъни уларга нисбатан фойдаланишга ёки сотишга тайёрлаш вақт талаб қиладиган ишлаб чиқариш (харид қилиш) билан боғлиқ бўлган қарзлар бўйича сарфларни ушбу актив бошланғич қийматининг бир қисми тарзида капиталлаштириши лозим.

Захираларнинг ҳақиқатда мавжудлигини текшириш учун инвентаризация ўтказиш кўп вақт, захира ўлчов бирлигини аниқлаш ва захираларни ёппасига санокдан ўтказишни талаб этади. Захиралар ёнғин сабабли шикастланганда ёки ўғриланганда ҳам инвентаризация ўтказиш талаб этилади. Ушбу муаммоларни ҳал қилиш учун бухгалтерлар кўпинча компаниянинг ҳисобот даври охиридаги захиралар миқдорини ялпи фойда методини қўллаш орқали аниқлашади.

Бироқ захиралар таркибидаги маҳсулотлар қиймати товарлар қиймати каби ўтмаслиги керак. Бошқача қилиб айтганда, маҳсулотлар биринчи кирим биринчи чиқим асосида, шу вақтнинг ўзида таннарх охириги кирим биринчи чиқим бўйича акс эттирилиши ҳам мумкин. Мана шу таннарх оқими (cost flow)ни бухгалтерлар таннарх оқими фарози (cost flow assumption) деб аташади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги 13.04.2016 йилдаги ЎРҚ-404-сонли Қонуни. – www.lex.uz
2. «Товар-моддий захиралар» номли 4-сон БХМС. – <https://lex.uz/docs/4890446>
3. «Захиралар» номли 2-сон МХХС. – www.minfin.ru
4. Рафиқова Х. Бюджет ташкилотларида товар-моддий захиралар ҳисобини такомиллаштириш //Barqarorlik va etakchi tadqiqotlar onlayn ilmiy jurnali. – №, 12022. – Т. 2. – С. 228-239.
5. Йўлдошев С.Р. “Корхоналар товар моддий захиралар ҳисобини такомиллаштириш”, Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences Scientific Journal Impact Factor Advanced Sciences Index Factor, VOLUME 2 | ISSUE 2 ISSN 2181-1784 SJIF 2022: 5.947 ASI Factor = 1.7

6. Борисюк Н.К., Солдатова Л.А., Трофимов И.В. Особенности управления товарно-материальными запасами предприятия в условиях экономического кризиса. // Интеллект, Инновации, Инвестиции., №8, 2016 г.

7. <https://www.lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

8. <https://www.mf.uz> – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг расмий сайти

9. <https://www.bibliofond.ru/view.aspx?id=44314>